

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 173 (1234), 2024 йил 28 август, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 август куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси Наталья Кочанова бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада чуқурлаштириш, жумладан, парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида Наталья Кочанова давлатимиз раҳбарига Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг самимий саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон Президенти жорий йил февраль ойида олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиётгани, мулоқот ва алмашинувлар фаоллашганини мамнуният билан қайд этди.

Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, саноат кооперацияси лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда, худудлараро ишбилармонлик алоқалари кучаймоқда, маданий-гуманитар дастур доирасидаги тadbирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтказилган парламентлар доирасидаги қўшма тadbирлар, жумладан, Ўзбекистон Олий Мажлисидаги учрашувлар ва иккинчи аёллар бизнес форумининг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Икки мамлакат ўртасида савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа устувор йўналишлардаги ҳамкорликнинг аниқ лойиҳаларини илгартиришга қаратилган фаол парламентлараро мулоқотни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗА

“Кўп ўлчовли КАМБАҒАЛЛИК БЎЙИЧА ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ” ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизларни меҳмондўст Ўзбекистон заминида Кўп ўлчовли камбағаллик бўйича юқори даражадаги конференцияни очилиши билан самимий қутлайман. Анжуман ишида ушбу соҳанинг таниқли экспертлари иштирок этмоқда.

Бугунги кунда дунёда давом этаётган турли моjarолар, гуманитар, эпидемиологик ва иқлим инқирозлари Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ҳамда камбағалликнинг барча қўриқларини қисқартириш борасидаги саяё-ҳаракатларга жиддий таҳдид солмоқда.

Ана шундай шароитда дунёнинг кўплаб давлатлари нуфузли экспертлар мулоқотига катта қизиқиш билдириб, камбағалликни қисқартириш бўйича энг долзарб муаммоларга самарали ечим топишга умид боғламоқда.

Қадри дўстлар! Жорий йилда мазкур нуфузли тadbирга Ўзбекистоннинг мезбон сифатида танлангани мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг халқаро эътирофи бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сўнгги беш йилда илгор хорижий ёндашувлар ҳамда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, энг кўп бўлган — маҳалла даражасига тушган ҳолда камбағалликка қарши курашиш борасида муваффақиятли тажриба яратилди.

Энг аввало, аҳоли даромадларини оширишда фуқароларнинг касб-ҳунар эгаллаши ва ўз бизнесини бошлашига кўмаклашишни устувор вазифа этиб белгиладик.

Ҳокимнинг маҳалладаги ёрдამчилари институти бу борада аҳолига ҳар томонлама кўмак бермоқда. Биргина жорий йилнинг ўзига 250 миң ишсиз фуқароларни касбларга ўқитиш, 2 миллион аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда.

Иккинчидан, Янги Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг яшаш шартини яхшилаш, таълим ва тиббий хизматлар кўлами ва сифатини ошириш инсон қадрини улуглашга қаратилган ислохотларимизнинг асосий йўналиши бўлиб келмоқда.

2024 йилнинг ўзига боғча ва мактаблар барпо қилиш, тиббий хизматни кенгайтириш, маҳаллаларда ичимлик суви, электр энергияси, йўл инфратузилмасини яхшилаш учун бюджетдан 31,5 триллион сўм ажратилди. Энг муҳими, ушбу лойиҳаларни амалга оширишда “Ташаббус бюджет” тизими орқали маҳаллаларнинг иштироки кенгайтиб бормоқда.

Учинчидан, ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириб, давлат кўмагига муҳтож оилаларга сифатли хизматлар

кўрсатиш кўламини кескин оширдик. Шу мақсадда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди, туманларда “Инсо” ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Натижада 2 миллион 300 миңдан зиёд муҳтож оилалар, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар кафолатланган ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинди. Бу — 2017 йилга нисбатан 4 баробар кўп, демакдир.

Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман: муҳтож оилаларда туғилган болаларнинг салохиятини тўлиқ рўёбга чиқариш бўйича барча имкониятларни яратиб бериш давлатимиз сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган.

Ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, юртимиздаги барча болаларнинг ҳар томонлама етуқ инсон бўлиб камол топишига устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Хусусан, кейинги йилларда болаларнинг мактабга таълим билан қамров даражаси 27 фоиздан 74 фоизга оширилди. Болалар ўртасидаги камбағаллик даражаси охириги уч йилда 22 фоиздан 14 фоизга пасайди.

Бундан ташқари, ёшларни юқори даромадли ва замонавий касбларга ўқитиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширилди, ҳар бир туманда IT марказлар фаолияти йўлга қўйилди.

Умуман, сўнгги уч йилда мамлакатимизда кўмакка муҳтож 3 миллион аҳолининг турмуш шартини яхшилаб, камбағаллик даражасини 17 фоиздан 11 фоизга туширишга эришдик.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Республикаимизда эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли сиёсатни изчил давом эттириб, келгуси уч йилда камбағаллик даражасини 7 фоизгача пасайтиришни мақсад қилганмиз.

Бундай юксак марраларга эришишда Ўзбекистон халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда турли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришдан манфаатдор.

Кўп ўлчовли камбағаллик бўйича ўзаро мулоқот ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади, унинг якунида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялар жаҳон миқёсида камбағалликни камайитиришда янги қадам бўлади, деб умид қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, конференция фаолиятига, унинг барча иштирокчиларига муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 август куни энергия тежамкорлигини таъминлаш, муқобил қувватлардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда энергия ресурсларига талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунга мос равишда янги станциялар қурилиб, манбалар кўпайтирилмоқда.

Шу билан бирга, жорий йил бошида худудларда электр энергияси ва табиий газни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланган эди. Давлатимиз раҳбарининг июлда Фаргона вилоятига ташрифи чоғида ушбу режани илмий асосланган ҳолда 2 баравар ошириб бажариш йўллари кўрсатиб ўтилди.

Шундан сўнг Фаргона политехника институти олимлари томонидан Фаргона туманидаги электр истеъмоли ўрганилди. Мисол учун, 4,6 миң хонадон ва 233 та тadbиркорга хизмат қиладиган “Логон” подстанциясидаги йиллик йўқотиш 5 миллион киловатт/соатни ташкил қилади. Бу табиий йўқотиш учун белгиланган меъёрдан 1,5 баравар кўп.

Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур подстанциядан электр оладиган 113 та трансформатордаги юкларни тенг тақсимлаш орқали 765 миң киловатт/соат йўқотишнинг олдинчи олиш мумкин. Энг муҳими, бунга харажат талаб қилинмайдиган. Туман электр корхонасида бошқарув тўғри йўлга қўйилса бўлди.

Ўзи сув насосларига хизмат кўрсатувчи 44 та трансформаторга реактив қувват

батарейалари ўрнатилса, йўқотиш йилига 1,1 миллион киловатт/соатга камаяди, харажат бир йилда ўзини оқлайди.

Умуман, Фаргона туманидаги 14 та подстанцияда 15,5 миллион киловатт/соат ёки йилга ўртача 6 миллиард сўмлик ортинча йўқотиш ҳисоб-китоб қилинган. Иш юқоридикидек омилкорлик билан ташкил қилинса, электрдан иқтисод қилиш режасини бажариш мумкин.

Мамлакатимиз бўйича 1 миң 800 та шундай подстанция ва 100 миңга яқин трансформатор бор. Мутасаддиларга ушбу тажрибани бошқа худудларда ҳам жорий қилиб, энергияни тежаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қорақалпоғистонда газни тежаш бўйича яқин натижа бор. Ҳозиргача 95 миңта хонадондаги эскирган “горелка” энергиятежамкорига алмаштирилгани ва иситиш тизими изоляция қилингани ҳисобига, йилга 145 миллион куб метр газ иқтисод бўляпти. Яна 16 миң эҳтиёжманд оиллага маҳаллий бюджет ҳисобидан шундай печлар қўйиб бериш бошланган. Бу орқали 20 миллион куб метр газ иқтисод қилиниб, эҳтиёжманд аҳоли ихтиёрида 12 миллиард сўм қолади.

Шу тарзда юртимиздаги 1 миллион хонадоннинг иситиш тизимини энергиятежамкорига алмаштириш вазифаси қўйилди.

Юртимизда 2 миң 349 та йирик газ истеъмолчиси бор. Уларнинг орасида омилкорлари ҳам кўп. Масалан, Оҳангарондаги кафеъ ишлаб чиқарувчи корхона ўзидан чиққан иссиқликдан қайта фойдаланиш технологиясини жорий қилган. Лекин йирик истеъмолчиларнинг бор-йўғи 25 фоизда замонавий газ тежовчи ускуналар ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари бунга алоҳида тўхталиб, вилоят ҳокимликлари ва Энергоспекция мана шундай масалалар билан шуғулланиши кераклигини таъкидлади. Йирик газ истеъмолчиси бўлган корхоналарда илмий-техник асослар билан энергиятежамкор технологиялар ўрнатиш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, шу йил 23 августда Президент фармонида асосан, Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси — “Энергоспекция” Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилди. Бу унинг имкониятлари ва иш самарадорлигини оширади.

Энди шундай ишларни энг йирик электр истеъмолчилари бўйича ҳам қилиш кераклиги айtilди.

Бу борада ижобий тажрибалар бор. Мисол учун, “Аму-Бухоро” каналига 100 МВт. кўеиш станцияси ўрнатилди. Бунинг натижасида

тармоқдан олинандиган энергия миқдори 30 фоизга ёки 200 миллион киловаттга қисқарди. Яна шунча қувват ишга туширилиши режалаштирилган.

Бу беиз эмас. Жами электр истеъмолнинг 10-11 фоизи сув хўжалиги корхоналарига тўғри келади. Шу бос, келгуси уч йилда сув хўжалиги иншоотларида электр истеъмолини камида 25 фоизга қисқартириш вазифаси белгиланди. Энергия самарадорлигини таъминлашда яна бир манба бу — қуёш. Масалан, Олтириқдаги тadbиркор 300 киловаттлик қуёш панели ўрнатиб, йилга 540 миң киловатт/соат ёки 486 миллион сўмлик электрни ўзи ишлаб чиқаряпти.

Бу йил аҳолига 182 МВт. тadbиркорларга 791 МВт. қувватли муқобил энергия ускуналари ўрнатиш режалаштирилган. Лекин айрим вилоятларда бу борадаги ишлар суғ экини кўрсатиб ўтилди. Тегшли мутасаддилар қатъий огоҳлантирилди.

— Муқобил энергия манбаларини ўрнатиш бу — давлат сиёсати, — деди Президент.

Йиғилишда вилоят ҳокимлари, энергетика тармоқлари раҳбарлари худудларда электр энергияси ва табиий газни тежаш чора-tadbирлари юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА

Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!

ЎЗГАРАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР ҲОДИСАСИ

мамлакат тараққиёти, инсон қадрини улуглашда ўқилдиздир

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Акбар ТОШҚУЛОВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга берган интервьюси

Мамлакатимизда кечаётган кенг қўламли янгиланишлар жараёнининг амалий натижаси ўлароқ, бугунги кунда аҳоли фаровонлиги ва юртимиз тараққиётида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистонни янада юксалтириш йўлида барча тизим ва йўналишлардаги ислохотларни чуқурлаштириш, самарадорлигини кучайтириш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилляпти. Мана шундай ўзгаришлар жараёнини тўғри ва холисона ёритиш, ислохотлар моҳиятини юртдошларимизга ўз вақтида етказиш оммавий ахборот воситалари зиммасидаги масъулиятли вазифадир. “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти мамлакатимиздаги вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан интервьюлар ташкил этиб келмоқда. Ушбу анъанани давом эттирган ҳолда бу галги суҳбатдошимиз адлия вазири Акбар ТОШҚУЛОВ бўлди.

— Аввало, бизга интервью беришга розилик билдирганингиз учун миннатдорлик изор этамиз. Суҳбатимизни янги Ўзбекистондаги энг катта ислохотлардан бири, миллий тараққиётимизнинг муҳим қафолати — халқ билан мулоқот тизимидаги ўзгаришлардан бошлаш.


Бу борада барча тизим раҳбарлари олдида жуда катта вазифалар қўйилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг жорий йил 24 майдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги фармонида ҳам Адлия вазирлиги зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юкланди. Аҳоли муаммоларини уйма-уй юриб ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан қўшимча вазифалар шулар жумласидан.

Ушбу масъулиятли вазифани сифатли бажариш учун вазирлик томондан қандай чоралар кўрилмоқда? Аниқ натижалар нимага кўзга ташланади?

— Давлат ташкилотлари ўзининг энг асосий вазифаси сифатида халқнинг оғирини енгил қилишга киришган, яъни аҳоли билан мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш устувор вазифага айланди. Мана шу жаҳада вазирлигимизга ҳам муҳим вазифалар юклатилмоқда. Жумладан, юқорида айтилган фармон билан Адлия вазирлиги янгича ишлаш тизимига ўтди. Бунда аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини маҳаллаларда ҳал этиш асосий вазифа сифатида белгиланди.

Давоми 3-бетда





“Ханчжоу — 2022” Параолимпий ўйнарида Асила Мирзаёрова қитъаннинг “Энг яхши аёл пара атлетга” деган шарафли номга сазовор бўлди.
Пара тазкандо бўйича Паралимпия ўйнарида Галиба Мирзаев, жон чемпиони, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий ўнвони соҳибаси Гулжаной Наимова, пара енгил атлетика бўйича 2 қарра Паралимпия ўйнарида Галиба Мирзаев, жон чемпиони, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий ўнволлари соҳибаси Нозимахон Қаномова жон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётди.
Иқтидорли пара енгил атлетикачи Паралимпия, Параолимпий ўйнари чемпиони, жон чемпиони ва бир неча халқаро турнирлар галиби ва совриндори, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий ўнволлари соҳибаси Сафия Бурхонава, яна бир пара енгил атлетикачи Паралимпия, Параолимпий ўйнари галиби, жон чемпиони совриндори, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий ўнвони соҳибаси Моҳиғул Ҳамдамова, Паралимпия ўйнари, жон чемпиони совриндори, Параолимпий ўйнари галиби, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий ўнвони соҳибаси пара енгил атлетикачи Нурхон Қурбонова нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон байроғини кўларга кўтарётди.

ПАРАЛИМПИЯ ХАРАКАТИ

Жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, сабр-бардошли, мустаҳкам иродали, матонатли инсонлар орамизда кўп. Уларнинг ишлаши, таълим олиши, спорт билан шуғулланиши, жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва муносиб ўрин топиши учун имконият яратиш доим долзарб масала бўлиб келган.

НУФУЗЛИ МУСОБАҚАЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАР УЛУШИ ОРТМОҚДА



Олимжон ШОДИЕВ,
Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти директори

Инсон қадр, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари муфассал таъминланаётган янги Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, айниқса, гендер тенглик соҳасида кенг қўллашни ишла амалга оширилмоқда.

Ногиронлиги бўлган ва жисмоний имконияти чекланган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қадриятлари ва нормалари, шунингдек, мамлакатимизнинг бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ таъминланмоқда. Уларга бошқа соғлом инсонлар каби тенг имкониятлар яратилган. Хотин-қизларнинг қобилият ва истеъодларини рўйбга чиқариши учун яратиб берилётган шарт-шароит ва соҳага қаратилган улкан эътибор натижасида адаптив спорт билан шуғулланувчилар сон сизиларли даражада ошириб бораётгани фикримизнинг далилидир.
Бу борада Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлиналари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) даги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган хотин-қизларни адаптив оммавий спортга кенг жалб қилиш, оммавий спорт тадбирларини мунтазам ташкил этиш борасида салмоқли ишлар йўлга қўйилган. Ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ўртасида спортнинг оммавийлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар ҳафтадан дам олиш кунлари маҳаллаларда тури спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Республикаимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, қишлоқ



жойлардаги маҳаллалар, умумтаълим ҳамда спорт мактаблари билан ҳамкорликда спортнинг бир неча тури бўйича мусобақалар, спартакиадалар, оилавий спорт тадбирлари уюштирилиб, уларга ногиронлиги бўлган барча хотин-қизлар жалб этилмоқда.
Хусусан, сўнгги бир йил ичида “Спорт ҳамма учун”, “Беш ташаббус паралимпиадаси”, “Хотин-қизлар кубоги”, “Янги имкониятлар сари”, “Паралимпия ҳафталиги”, “Ҳоқим кубоги” каби 100 дан ортиқ оммавий спорт ва саломатлик тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, “Матонат мактаби” фаолияти доирасида таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ҳамда маҳаллаларда ёшлар билан учрашувлар ташкил этилиб, паралимпиячи-

ларнинг ўз ҳаёт йўлларида қийинчиликларни қандай енгиб ўтгани ҳақида суҳбат ва учрашувлар ўтказилди.
Ўтган беш йил давомида паралимпия спорт турлари билан мунтазам шуғулланувчи хотин-қизлар сон 102 нафардан 1648 нафарга, уларни шуғуллантираётган хотин-қиз тренера 28 нафардан 236 нафарга етди. Паралимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар таркибида 284 нафар хотин-қиз нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этмоқда.
Паралимпия ўйнари дастурига киририлган спорт турларидан ўтказилаётган Ўзбекистон чемпиони, кубок мусобақаларида саралаб олинаётган иқтидорли хотин-қиз спортчиларимизнинг халқаро нуфузли мусобақалардаги иштироки юксак талабаларга йўл очётди. Сафи йил сайин кенгайиб бораётган паралимпиячиларимиз эришаётган ютуқлар салмоқли таъминоти сазовор.
“Токио — 2020” XVI Ўзбекистон Паралимпиадасида қатнашган 48 спортчимиз 21, “Ханчжоу — 2022” IV Параолимпий ўйнарида иштирок этган 108 спортчимиздан 45 нафарини хотин-қизлар ташкил этди.
Паралимпиячилар орасида дунё тан олган матонатли хотин-қизларимиз ҳам талайгина. 2023 йил якулига қўра, пара енгил атлетика бўйича “Токио — 2020” Ўзбекистон Паралимпия ўйнари совриндори, жон чемпиони,

Бугун муҳим мусобақа олдида турибмиз. Жорий йилнинг 28 август — 8 сентябрь кунлари Париж шаҳрида набабдаги Паралимпиада ўйнари бўлиб ўтади. Мазкур нуфузли мусобақада иштирок этадиган юртимиз вакиллари 45 фози аёллар экани жуда қувонарли.
Ногиронлиги бўлган шахслар спорт билан шуғулланиши борасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимпиадаларимизнинг ҳам хизмати салмоқли. Адаптив жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фан доктори Лайло Собирова, фалсафа фанлари докторлари Зулфия Палибаева, Лола Давлатовалар голуб ва пара волейбол спорт турларидан миллий терма жамоаларда тренера қилиш барибаради илмий тадқиқот ишларини ҳам тўхтатгани йўқ.
Қувонарлиси, кейинги йилларда спорт ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ҳаётининг ҳам ажралмас қисмига айланмоқда. Қўлга киритилаётган ютуқлар мамлакатимизда ногиронлиги бўлган ва жисмоний имконияти чекланган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий қўмақ бериш, уларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, ўз қизиқиши ва интилишига мос касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун доимий эътибор қаратилаётганининг ёрқин ифодасидир.

БИЛИМ ВА САЛОҲИЯТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИ БАРПО ЭТИШДА ИККИ МУҲИМ ОМИЛ

Таълим

Бугун юртимизга, ҳаётимизга разм солган киши борки, янгилаётган Ўзбекистон, ундаги ўзгаришлар, қисқа муддат ичида амалга оширилган ислохотларнинг гувоҳи бўлади. Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланаётган, ўз салоҳиятини янги bosқичга олиб чиқаётган мамлакат сифатида тан олинмоқда. Ҳар бир соҳада, жумладан, иқтисодий, таълим, тиббиёт, транспорт ва инфратузилма каби муҳим йўналишларда кенг камровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимизнинг бу йўлдаги қатъияти ва ташаббускорлиги нафақат мамлакат ичида, шунингдек, халқаро майдонда ҳам эътирофларга сазовор бўлмоқда.



дўмлари имзоланиб, халқаро миқёсда тан олинган илмий дастурлар ва лойиҳалар доирасида талабалар, профессор-ўқитувчилар тажриба алмашши имкониятига эга бўлди.
Алоҳида таъкидлаш керакки, институтда замонавий кўринишга эга 1500 ўринли ўқув биноси, 500 ўринли талабалар турар жойи қурилмоқда. Бу ишоотлар талабалар учун қўлай таълим муҳитини таъминлаб, уларнинг самарали ўқиши ва ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имконият яратди. Талабалар турар жойида яшаш шароитлари ҳам замонавий талабларга жавоб беради.
Олийоҳадаги бу каби ўзгариш ва янгилаштирилган ёшларнинг келажақда малакали мутахассис бўлиб етишиши, мамлакатимиз таълим тизимини янада ривожлантириши йўлида ташланган катта қадамдир.
Мумам олганда, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги бу ютуқлар нафақат бугунги кунимиз, балки келажақ авлодлар учун мустаҳкам пойдевордир. Шу боғи, юртимизнинг ҳар бир фуқароси бу улусвор жараёнда фаол иштирок этиши, ўз ҳиссасини қўлиши зарур. Бунинг учун замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиш, инновацион гоьларни илгари суриш ҳамда жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини мунтазам ўз устида ишлашга ундаш муҳим аҳамият касб этади.
Мамлакатимизнинг глобал майдонда етакчи давлатлар қаторига қўлиши учун тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, миллий иқтисодийни рақобатбардош



Шерзод НЕЪМАТОВ,
физика-математика фанлари доктори, профессор

Ислохотлар нафақат мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириши, балки халқимизнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган. Халқаро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, инвестициялар ҳажми ошиши барибаради янги технология ва инновациялар кенг жорий этилаётди. Шу билан бирга, ижтимоий соҳада ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда — аҳоли учун қўлай шароитлар яратилиши, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларининг замонавийлаштирилиши бунга мисол бўлади.
Ўзбекистоннинг янгилаётган қиёфаси мамлакатимиз раҳбариятининг пухта ўйланган стратегияси, халқи-

Янги аёндашувлар

ТЕРМИЗДА “МАЛАЙЗИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ”


Инновацион туманлар тажрибаси кенг оммалашади

Ҳар кун инновация билан боғлиқ турли гап-сўзлар қулоққа чалинади. Инновация ўзи нима эканлиги қандай мақсадларга хизмат қилиши, моҳияти ҳақидаги тушунчалар кишилар онгида озми-кўпми шаклланиб улгургани ҳам рост. Инновацион ҳуқуқий мазмун-моҳияти, иқтисодий-ижтимоий самардорлиги давлат томонидан янги технологияларни ривожлантириш ортидан янада бойиб, сайқаланиб борапти.



Ҳўш, инновацион туман нима дегани?
Бугун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ҳар бир ҳудудда алоҳида танлаб олинган туманларни инновацион ҳудудга айлантириш ишлари бошланган. Сурхондарё вилоятида ҳам бугун қадар 2 та туман инновацион ҳудудга айлантирилди. Дастлаб Олтинсой, сўнг Термиз туманида 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси доирасида муайян ишлар бажарилляпти.
Олтинсой туманидаги “Яшнобод” инновацион технопарки қошида “Ёшлар инновацион ишлаб чиқариш зонаси” ташкил этилган. Бу ёшларнинг инновацион гоьларини амалиётга жорий этиш, илмий ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби вазифаларни амалга оширишда қўл келаетир. Мазкур ишлаб чиқариш зонаси учун ҳозир Олтинсой туманидаги Ипнок маҳалласи худудидан 1,2 гектар ер ажратилиб, ёш тадбиркорлар учун алоҳида худуд ташкил қилинди.
Бу ерда бир неча турдаги инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Хусусан, базальт минерал асосида юқори даражада тўлдирилган, юқори ҳароратга чидамли ҳамда механик мустаҳкам композитлар, автомобиль йўли чизиклари учун полисульфид полимер бўёқ, маҳаллий хомашё асосида сув ва минерал ресурсларни тежовчи, юқори бўқувчан ва биопарчаланувчи гидрогель, чорвачилиқда етиштириладиган дағал жунни кимевий ва механик қайта ишлаш орқали

тўқимачилик санвати учун сифатли майин ип ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.
Илм-фан, бизнес ва ишлаб чиқариш, инновацион ўзаро ўйгунлашуви натижасида Олтинсой тумани ҳудудда гоьлар тайёр тижорий маҳсулотга айлантирилмоқда. Бу, ўз навбатида, худудларнинг ҳам инновацион ривожланишига хизмат қилапти.
Термиз туманида “Малайзия технологияси” асосида инновацион усулда балиқ етиштириш лойиҳаси амалиётга татбиқ этиляпти. Қиймати қарийб 640 миллион сўмлик лойиҳанинг биринчи bosқичида 20 та айланали сунъий ҳовуза қурилмоқда. Шунингдек, бу ерда “Эко-туризм” лойиҳаси доирасида ҳам ишлар бажарилляпти.
— Жорий йилда балиқчилик соҳасида инкубация цехи, чавок ва товар балиқ етиштириш, юқори оқсилга бой балиқ еми, қайта ишлаш ва сақлаш имкониятига эга тизимли ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган балиқчилик кластери ташкил этилмоқда, — дейди тадбиркор Нурмухаммад Нарҳамедов. — Малайзия технологияси асосида янги интенсив сув ҳавзалари барпо этилди. Ушбу технологиянинг кенг жорий қилинидан мақсад шундаки, аънавий усулдан кўра бир неча баробар кўп балиқ етиштириш имконияти мавжуд. Суви тежаш, кўпроқ балиқ етиштириш имконияти борлиги сабабли лойиҳа ўзлаштирилмоқда.
Инновацион туманда “ақлли” қишлоқ хўжалиги — аграр соҳада янги, юқори маҳсулдор ва самарали экин турларини яратиш бўйича инновацион лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, маҳаллий бозорда талаб юқори, экспортбоп 7 та янги селекцион навни яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Лойиҳа доирасида иш ўринлари ҳам очилляпти.
Бугун инновацион туманлар давр шимдади, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадамликка интилмоқда. Айни жиҳат эса юксак тараққиётга эришининг асосий шarti эканини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Қолаверса, инновацион туманларда тўпланган бой тажрибани бошқа худудларда қўллаш орқали кафолатли иқтисодий ўсишга эришиш мумкин.



ОЛАМАРО ЭЗГУЛИК ВА ТИНЧЛИК ТАРАННУМИ

КЎҲНА ВА АЗИМ САМАРҚАНД ШАҲРИДА “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ” ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фестиваль шукуҳи

Бугун дунё аҳли яхшиликка, маърифат тарғибига ҳар доимгидан ҳам кўра кўпроқ муҳтож. Ҳа, замонамизга келиб ҳалқаро майдонда жиддий ўзгаришлар кузатишмоқда. Дунёнинг геосийосий ва геоекотисодий архитектураси ўзгаряпти. Эгаманлик кайфиятидаги кучлар ҳалқларнинг азалий кадрятларига, ўзлигига даҳл этишни, шу орқали бошқаришни мақсад қилган. Шундай фурсатда мамлакатимиз эзгулик ташаббусини илгари сураётгани қувонарли.

“Шарқ тароналари” фестивалининг очилиш маросимини, эртақнамо қиёфа касб этган Регистон майдонини кузатиб туриб, кўнгилдан шундай ўйлар ўтди. Айниқса, турли мамлакатлар байроғи бир қатор бўлиб ҳилпираб туриши киши кўзини қувонтирди. Улар гўё тенглик, ҳурлик ва дўстликни тарғиб этаётгандай.

Дарҳақиқат, кўҳна ва азим Самарқанд яна дунё мусиқа усталари ва санъат муҳлисларини бағрига чорлади. ЮНЕСКО шафелигидаги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали пандемия сабаб 2019 йилдан буён ўтказилмаётган эди. Утган муддат ичида иштирокчилар ҳам, муҳлислар ҳам “Шарқ тароналари”ни соғингани улар юз-кўздан кўриниб туради.

Тадбирни давлатимиз раҳбари фестивал иштирокчиларига самимий табрик сўзлари билан очиб берар экан, жумладан, бундай деди: “Дунёдаги жамик халқлар қатори ўзбек эли ҳам тинчлик ва осойишталикни юксак қадрлайдиган, оққўнгил ва бағрикенг халқдир. Янги Ўзбекистон ташқи сийосатининг тўб моҳиятини ҳам турли

давлатлар билан тинчлик ва ҳамкорлик, дўстона муносабатларни ривожлантириш тамойили ташкил этади”.

Дарҳақиқат, тинчлик, дўстона муносабатлар билангина дунё тараққий этиши мумкин. Акси бўлганда энг қудратли давлатлар ҳам таназзулга юз тутган. Бунга кўҳна тарих қўй бора гувоҳ бўлган. Халқлар ўртасидаги илқ муносабат эса санъат орқали осон ўрнатилади. Она алласидай ёқимли мусиқани ҳақ-то душман томонидан эшитсангиз ҳам бир лаҳза тин оласиз. Бейхитёр унга жон қўлингизни тутасиз. Бугун дунё ахли, санъатта қизиққан инсон борки, диққатини юртимизга қаратгани шундан.

Яна бир муҳим жиҳат, юртимизда нафақат “Шарқ тароналари”, балки халқаро



Ҳоким Йўлдошев орадан суратлар.

мақом санъати, бахшичилик санъати, хунармандлик, фольклор ва рақс санъати бўйича “Буюк ипак йўли”, “Лазги” халқаро фестиваллари каби йирик маданий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Мана шунинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг эзгуликка чорловчи давлатидир. Шу маънода, “Шарқ тароналари” дунё тароналарига айланди, десак муболага бўлмайди.

Буни фестивал иштирокчилари ҳам бот-бот такрорламоқда. Меҳмонлар “Шарқ тароналари” дунё санъатсеварлари қалбидан чуқур ўрин олганини таъкидламоқда. Марказий Осиёдаги энг катта фестиваллардан бири экани, у миллий мусиқа санъатида эришилган ютуқларни кенг оммага кўрсатиш, миллатлар маданияти ва анъаналарини асраш ва ривожлантириш, иқтидорли, ёш созанда ва хонандаларни қўллаб-қувватлаш, тинчлик, дўстлик ва ўзаро бағрикенглик гоъларини тарғиб қилишда алоҳида ўрни борлигини тан олмақда.

Юртимиз осмон узра яна жаранлаган қадим оҳанлар маросимга ўзгача фойз берди. Ер юзининг сайқали, Шарқнинг нодир гаҳари Самарқанд бутун бўй-баста билан бетакрор мусиқий байрам шукуҳи ила безанди.

Фестиваль доирасида “Шарқ халқлари мусиқа маданияти: глобаллашув жараёнларида ижодий уйғунлашув тамойиллари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтмоқда. Кеча бошланган анжуманда 32 хорижий давлатдан соҳанинг 46 нафар етук мутахассиси таширф буюрган.

Ўзбек дутори дилимни забт этган

Таня МЕРЧАНТ,
Калифорния университети профессори:



— Лондонда магистратурада ўқийётган пайтимда Ўзбек профессори, мусиқашунос Азиза Султонова билан танидим. Дуторни жуда яхши чалар экан. Азиза опа менга дутор чалишни тавсия қилган. Ушандан буён, яъни 2002 йилдан дутор чалишга қизиқиб қолдим ва шу санъатни ўрганишман. Ўзбек халқ куйлари, бастакорлик бўйича Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Рўзиби Хўжаевдан сабоқ олдим. Малика Зиёевдан мақом сирларини ўргандим. 2008 йил ўзбекистонлик усталарнинг ёрдами билан Калифорния университетига дутор ансамблини очдик. Усталарни талабаларимизга маҳорат дарслари ўтади. Турли тадбирлар ташкил этишга ёрдам беришди. Умуман олганда, мендан меҳрини аямайди. Уларга чексиз муҳаббатим исботи ўлароқ, Ўзбекистондаги аёл мусиқачилар ҳақида китоб ёздим. Илмий-амалий конфе-

ренциядаги маърузамда дутор ансамбли, Калифорниядаги устоз-шогирдик анъаналари ҳақида батафсил тўхтадим. Шу ўринда айтмоқчиманки, давлатингиз раҳбарининг маданият ва санъатга юксак эътибори, соҳа вакиллариини қўллаб-қувватлаши жуда кўп ютуқларга омил бўляпти. Шунинг учун мен Ўзбекистонлик санъат вакиллари билан ҳамкорликни янада кенгайтирмоқчиман.

Техник тараққиёт даврида Шарқ мусиқасини асраб қолиш шарт

Соҳиб ПОШАЗОДА,
Озарбайжонда хизмат кўрсатган артист:



— Торли мусиқа асбоби чаламан. 2017 йилда фестивал Гран-присини қўлга киритдим. Бу гал фестивалга ҳамалар ҳайъати раиси сифатида тақлиф этилганимдан хурсандман. Меҳнатларимни юқори баҳолаган ташкилотчиларга катта раҳмат. Имкон қадар уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Шунинг алоҳида айтишни истардимки, фестивалнинг очилиш маросими жуда мукамал бўлди. Ҳар сафар бу ерда бўлганимда ўзимни эртақлар оламида юргандай ҳис қиламан. Зеро, Регистон сирли жой. Айниқса, ажойиб жонли мусиқа янграётган пайтда. Илмий-амалий конференцияда глобаллашув ва жадал технологик ривожланиш

шароитида Шарқ мусиқаси тамойиллари, анъаналарини қандай сақлаб қолиш ҳақида фикр айтдим. Назаримда, бу жуда долзарб мавзу. У нафақат мусиқачиларга, балки бутун маданиятга тегишли.

Инновацион усулларда санъат ва маданиятни тарғиб этамиз

Хосаграҳар Жоти ВИСВЕСВАРАЯ,
ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси маркази директори ўринбосари:



— 1997 йилда ташкил этилганидан буён анъанавий мусиқани тарғиб қилиш ва асраб-авайлашда муҳим роль ўйнаб келаётган ушбу нуфузли фестивалга содиқлиги учун Ўзбекистон ҳукуматига чуқур миннатдорлик билдиришмоқчиман. “Шарқ тароналари” фестивали ЮНЕСКОнинг асосий тамойилларини ўзида мужассам этган. У дунё бўйлаб одамлар орасида маданий хилма-хиллик, маданиятлараро мулоқот ва ўзаро келишувни тарғиб қилади. Маданият, шу жумладан, моддий ва номоддий маданий мерос шахсиятимиз моҳияти ва барқарор ривожланишнинг муҳим ҳаракат-лантйирувчи кучидир.

“Шарқ халқлари мусиқа маданияти: глобаллашув шароитида ижодий уйғунлашув тамойиллари” конференциясида қатнашганимдан жуда мамнунман. Биз Ўзбекистон учун ҳам, бутун минтақа учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган тирик мероснинг ўзига хос шаклини муҳофиза қилиш учун йиғилдик. Зеро, Марказий Осиё халқлари, шунингдек, уларнинг қўшнилари маданияти умумийдир.

Осиё, Европа ва Африкадан келган иштирокчиларнинг хилма-хиллиги менни рағбатлантирса-да, ёш авлод амалиётчилари ва мутахассисларини тақлиф қилиш учун қилинган сый-ҳаракатларни алоҳида эътироф этмоқчиман. Чунончи, тирик меросни ҳимоя қилишнинг асосий жиҳатларидан бири унинг авлоддан авлодга ўтишидир. Тирик мерос элементлари ҳаётини янги ташувчи-

ларга етказиш қобилиятимизга боғлиқ. Шу билан бирга, ҳар бир авлод ушбу амалиётни қайта тиклаш ва ўзига хос бой тарихини қўшиш имкониятига эга. Айнан шу омил мусиқа, қўшиқдай тирик меросни қўшадил хабаримизда ушлаб туради. Улар тез ўзгаришчан муҳитимиз эҳтиёжларига доимо мослашди.

Урбанизация кучайиши билан янги турмуш тарзига мослашиш учун бу меросни одамларга етказишнинг турли усуллари зарур бўлади. Биз айнан мана шундай инновацион усуллари излаш, санъат, маданиятни тарғиб этишни кучайтиришни муҳофиза қилишимиз.

Саҳифани
“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Муножат МҶМИНОВА
тайёрлади.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҲҲ QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Қалбга қувонч улашувчи фестиваль



Шаҳид ТАСЛИМ,
Нью-Дехлидаги Миллий университет ўзбек тили ва адабиёти факультети декани:

— Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида қатнашиб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Шарқ тароналари”нинг қўламини янада кенгайтириш, уни бутун дунё микёсида тарғиб этиш доирасидаги тақлифлари ва “бизга исломофобия керак эмас”, деган гапларидан бениҳоя қувондим.

Дарҳақиқат, инсонга муаммолар керак эмас. Улар руҳан тушуқликка олиб келади. Санъат ва маданият ана шу тушуқликни енади. Фестиваллар, маданий тадбирлар эса одамлар қалбига қувонч олиб киради. Мен узок йиллардан буён ҳинд ёшларига ўзбек тилини ўргатиб келяпман. Ўзбек ва ҳинд халқлари маданиятидаги муштараклик бизни ҳам-миша боғлаб туради. Илмий анжуманда ана шу муштараклик нималарда акс этиши ҳақида маъруза қилдим. Ўйлайманки, бу ўзбекистонлик соҳа вакиллари билан ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳамкорлигимиз маданий алоқалар билан мустаҳкам



Кёко ИВАМОТО,
Япония маданий алмашинуви тарғиб қилиш қўмитаси директори:

— Юртингизга кўп мартаба келганман. Жумладан, бахшичилик ва мақом, “Лазги” фестивалларида ҳам иштирок этганман. Аммо “Шарқ тароналари” фестивалида илк бор қатнашман. Бундан гоъят мамнунман. Чунки “Шарқ тароналари” катта маданий ҳодиса. Президентингиз мазкур фестивал жаҳон тароналарига айланаётганини таъкидлади. Бу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда фахр билан тилга олишни истардимки, бугун Япония ва Ўзбекистон муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Яқиндан ҳамкорлик қилиш учун биз халқларимиз урф-одатларини ва маданиятларини яхши ўрганишимиз лозим. 2018 йилда старт берилган бу жараёнда жуда кўплаб ютуқларга эришилди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2904
41126 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (788) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳих: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 22:55 Топширилди — 23:40